

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди
№ МО 10-11
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2020 йил “7” декабрь даги
648 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.**

“Педагогика ва психология”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2020 йил 30-октябрдаги 6- сонли баённомаси билан маъқулланган.*

Тузувчилар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев.

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули:
и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н., доц.
М.Дехканова.

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули:
п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов.

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”
модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули:
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева,
У.Гиясова, Ш.Файзуллаева.

“Мутахассислик фанлари” модули: п.ф.н., проф. Ш.Авезов,
п.ф.д., проф. Ш.Абдуллаева, п.ф.н., доц. М. Ахмедова, п.ф.н., доц.
М. Мамаражабов.

Тақризчилар:

п.ф.н., доцент М.Аҳмедова - ТДПУ, “Педагогика” кафедраси
мудири.

Хорижий эксперт: п.ф.д., профессор Н.Л.Шеховская - Белгород
давлат университети, “Педагогика ва психология” кафедраси
мудири.

*Ўқув дастури Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг қарори билан
тасдиқка тавсия қилинган (2020 йил 27 августдаги 1/3.6.-сонли баённома).*

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори, 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар–янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир” номли нутқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини

амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш

II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

III. Мутахассислик фанлари

3.1. Замонавий педагогикани ривожлантиришнинг инновацион стратегиялари.

3.2. Олий таълим дидактикаси.

3.3. Педагогик фанларни ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш.

3.4. Педагогик тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари.

IV. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари** қўйидагилар киради:

- “Педагогика ва психология” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараённига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Педагогика ва психология” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараённига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- педагогиканинг умуммаданий аҳамиятини;
- педагогика методологияси, унинг асосий тамойиллари ва илмий-тадқиқот методларини;
- шахс камолотининг педагогик (ёш ва индивидуал хусусиятлари, жисмоний ва маънавий камолоти қонуниятлари) асосларини;
- педагогик антропология мазмунини;
- замонавий педагогиканинг мазмун-моҳияти (маърифат - ижтимоий ходиса сифатида, унинг мақсади, вазифалари, мазмуни ва маърифатлилик мезонлари)ни;
- педагогика фани ва педагогик амалиётнинг интеграциясини;
- маърифий (педагогик) инноватика асосларини;
- педагогик тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятларини;
- педагогика ва таълим методикасидаги инновацион оқимлар ва муаммоларини;

- дидактиканинг объекти, предмети, вазифалари, замонавий категориялари ва тушунчаларини;
- педагогиканинг долзарб муаммолари ва уларни тадқиқ этиш методларини;
- педагогик инновация методологияси (умумий тушунчалари, ривожланиш қонуниятлари, омиллари ва ўзига хос ҳусусиятлари)ни;
- педагогик инновацияларни илмий асослаш манбаларини;
- касбий соҳасидаги педагогик тадқиқотларнинг ўзига хос ҳусусиятлари, уларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ёндашувларни;
- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- инновацион-педагогик фаолият тузилмаси ва мазмуни (инноватор-педагог шахсининг тузилмаси; инновацион-педагогик фаолиятнинг жараёнли таркибий қисми; илмий-методик тадқиқот ва амалий инновацион фаолиятнинг бошқа шакллари)ни ишлаб чиқиш;
- самарали таълим индикаторларидан фойдаланиш;
- инновацион-педагогик муаммоларни ҳал этишининг таянч стратегияси ва педагогик асарлар тавсифини яратиш;
- маърифий муаммолар ва уларнинг ечимларини аниқлашга оид тадқиқотлар олиб бориш;
- анъанавий ва инновацион маърифий муассасаларни қиёсий таҳлил қилиш;
- маърифий кластерларнинг моҳияти ва ўзига хослигини (“маърифий кластер” тушунчаси, унинг бошқа турдаги кластерлардан фарқи; тузилмаси ва таснифи) таҳлил қилиш;
- узлуксиз таълим учун маърифий кластер моделини ишлаб чиқиш;
- педагогик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш, педагогик тадқиқотларда статистик методлар ва улардан фойдаланиш;
- танланмалар ва гипотезаларни шакллантириш;
- электрон жадваллар ва статистика дастури ёрдамида корреляцион таҳлилини ўтказиш **қўникмаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- таълим мазмунини танлаш;
- дидактик ёндашувлардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш;
- дидактик тизимлар асосида педагогик жараён иштироқчиларининг професионал фаолияти ва уларга қўйиладиган дидактик талабларни таҳлил қилиш;

- педагогиканинг фан, таълим ва ишлаб чиқаришдаги интеграциясини таҳлил қилиш;
- педагогик жараёнда предметлараро алоқадорлик масалалари (STEAM-таълими)дан кенг фойдаланиш;
- педагогик тадқиқотлар натижалари таҳлил қилишдаги замонавий ёндашувлар, методлар ва воситалардан фойдаланиш;
- педагогик тадқиқотларда статистик методлардан ўз тадқиқотларида фойдаланиш;
- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурлар ёрдамида статистик ва корреляцион таҳлилни ўтказиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнида инновацион мухитни яратиш;
- педагогларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартларини такомиллаштириш;
- педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар, тамойиллар, малакалар, даражалар ва сифатларни ривожлантириш;
- педагогларнинг креативлик сифатларига эгаликларини аниқлаш;
- креатив ёндашиш асосида ўқув дастурларини яратиш;
- креатив ёндашув – ўқув манбалари (маъруза матни, ўқув дарслиги, ўқув ва методик қўлланма ҳамда ўқув методик мажмуалар)ни сифатли яратиш;
- назарий ва амалий машғулотлар учун материалларни тўплаш ва уларни саралашда креатив ёндашувни амалга ошириш;
- ўқув ахборот (маълумот)ларини самарали излаш;
- мавзу моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тўлиқ, ғоявий мазмун ва илмий асосларга эга, амалий қийматга эга ўқув материалини тайёрлай олиш;
- назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлаш;
- талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил этиш;
- бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини орттиришда витаген тажрибалардан фойдаланиш;
- талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўнкима, малака ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш;
- педагогик тадқиқотларда статистик методларни ўз тадқиқотларида қўллаш;
- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурларга статистик функцияларини киритиш ва натижалар таҳлилини ўтказиш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИННИГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услугбий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Конунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг хуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш обьектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лоиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим

жараёнини лойихалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (войиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.к.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишининг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Таълим жараёнинга рақамли технологияларни жорий этиш.

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиилар»дан фойдаланиш. Булутли технологиилардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи

тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқишиш) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқ-овқат. Сиҳат-саломатлик. Оиласвий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордик, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ

3.1. Замонавий педагогикани ривожлантиришнинг инновацион стратегиялари.

Педагогиканинг умуммаданий аҳамияти. Педагогика методологияси, унинг асосий тамойиллари ва илмий-тадқиқот методлари. Шахс камолотининг педагогик асослари. Одам - биологик тур ва ижтимоий-маданий мавжудот сифатида. Педагогик антропология. Шахс камолотининг ёш ва индивидуал хусусиятлари. Шахснинг жисмоний ва маънавий камолоти қонуниятлари. Маърифат-ижтимоий ҳодиса ва педагогик жараён сифатида. Замонавий педагогиканинг мазмун-моҳияти. Маърифат-ижтимоий ҳодиса сифатида, унинг мақсади, вазифалари ва мазмуни. Маърифатлилик (ўқимишлилик) мезонлари.

Педагогика фани ва педагогик амалиёт. Маърифий (педагогик) инноватика асослари. Инновацион-педагогик фаолият тузилмаси ва мазмуни: тизим сифатида моҳияти; инноватор-педагог шахсининг тузилмаси; инновацион-педагогик фаолиятнинг жараёнли таркибий қисми; илмий-методик тадқиқот ва амалий инновацион фаолиятнинг бошқа шакллари. Педагогика ва таълим методикасидаги инновацион оқимлар ва муаммолар. Инновацион-педагогик фаолиятнинг қадриятли мўлжаллари. Самарали таълим индикаторлари. Педагогик инновацияларни илмий асослаш манбалари.

Инновацион-педагогик муаммоларни ҳал этишнинг таянч стратегияси ва педагогик асарлар тавсифи.

Инновацион маърифий муассасалар ва кластерлар - янги педагогик ходиса сифатида. Маърифий муаммолар ва уларнинг ечимлари. Анъанавий ва инновацион маърифий муассасалар: қиёсий таҳлили. Маърифий кластерларнинг моҳияти ва ўзига хосиги: “маърифий кластер” тушунчаси, унинг бошқа турдаги кластерлардан фарқи; тузилмаси ва таснифи; узлуксиз таълим учун маърифий кластер модели; маърифий кластерларнинг SWOT таҳлили; маърифий кластерларнинг турлари: тиббий, мухандислик (техник), иқтисодий, ҳудудий ва уларнинг истиқболлари.

Финляндия узлуксиз таълим тизими: тажриба ва қиёсий таҳлил. Финляндияда узлуксиз таълим тизими. Финляндияда замонавий таълим тизимидағи ислоҳотлар. Финляндияда таълим мазмуни, таълим сифати ва ижтимоий ҳамкорлик масалалари.

3.2. Олий таълим дидактикаси.

Дидактиканинг обьекти, предмети, вазифалари, замонавий категориялари ва тушунчалари.

Педагогиканинг долзарб муаммолари ва уларни тадқиқ этиш методлари.

Педагогик инновация (янгиланиш) методологияси: умумий тушунчалари, ривожланиш қонуниятлари, омиллари ва ўзига хос хусусиятлари. Инновацион-педагогик фаолият тузилмаси ва мазмуни: тизим сифатида моҳияти; инноватор-педагог шахсининг тузилмаси; инновацион-педагогик фаолиятнинг жараёнли таркибий қисми; илмий-методик тадқиқот ва амалий инновацион фаолиятнинг бошқа шакллари. Педагогика ва таълим методикасидаги инновацион оқимлар ва муаммолар.

Педагогик инновацияларни илмий асослаш манбалари. Таълим мазмунини танлашга оид назариялар. Инновацион-педагогик муаммоларни ҳал этишнинг таянч стратегияси ва педагогик асарлар тавсифи. Инновацион-педагогик фаолият методлари: дидактик ёндашувлар.

Дидактик тизимлар ва уларнинг турлари. Педагогик жараён иштирокчиларининг профессионал фаолияти ва уларга қўйиладиган дидактик талаблар. Педагогиканинг фан, таълим ва ишлаб чиқаришдаги интеграцияси. Педагогик жараёнда предметлараро алоқадорлик масалалари STEAM-таълими.

3.3. Педагогик фанларни ўқитишининг инновацион мұхитини лойихалаштириш.

Таълим-тарбия жараёнида инновацион мұхитни яратиш муаммолари. Педагогларнинг креативлик сифатлари. Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартлари.

Педагогларда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар. Педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар, тамойиллар, малакалар, даражалар ва сифатлар.

Педагогларнинг креативлик сифатларига эгаликларини аниқлаш йўл ва шакллари. Педагогларнинг креативлик сифатларига эгаликларини аниқлаш метод ва воситалари. Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантириш моҳияти.

Ўқув дастурларини яратишга креатив ёндашиш. Креатив ёндашув - ўқув манбалари (маъруза матни, ўқув дарслиги, ўқув ва методик қўлланма ҳамда ўқув методик мажмуалар)ни самарали яратишнинг муҳим омили.

Назарий ва амалий машғулотлар учун материалларни тўплаш ва уларни саралашда креатив ёндашувнинг аҳамияти. Ўқув ахборот (маълумот)ларини самарали излаш - педагогнинг креативлик сифатларига эгалигини кўрсатувчи муҳим ҳолат эканлиги. Мавзу моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тўлиқ, ғоявий мазмун ва илмий асосларга эга, амалий қийматга эга ўқув материалини тайёрлай олиш мезонлари. Назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлашга қўйиладиган замонавий талаблар. Талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил этиш технологиялари.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини орттиришда витаген тажрибалардан фойдаланиш. Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўнишка, малака ва компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш.

3.4. Педагогик тадқиқот натижаларни таҳлил қилувчи ахборот тизимлари

Касбий соҳасидаги педагогик тадқиқотларнинг ўзига хос ҳусусиятлари. Педагогик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ёндашувлар. Педагогик тадқиқотларни таҳлил қилиш методлари. Педагогик тадқиқотлар натижалари таҳлил қилиш усуллари. Педагогик тадқиқотларда статистик методлар ва улардан фойдаланиш қоидалари. Танланмалар ва уларнинг турлари. Педагогик тадқиқотларда танланмалар хажми. Гипотеза ва уни шакллантириш. Гипотезаларни текшириш мезонлари. Корреляцион таҳлил ва унинг турлари.

Педагогик тадқиқотларга информацион ёндашувлар, тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурлари, “Педагогик статистика” дастури ва унинг имкониятлари. Корреляцион таҳлил алгоритми. Электрон жадваллар ва Статистика дастури ёрдамида корреляцион таҳлилини ўтказиш.

IV. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган

күрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўкув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очиқ ўкув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъоддли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъruzza билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўкув адабиётлари (дарслик, ўкув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очиқ дарс ўтказадилар. Очиқ дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хulosалари кафедранинг йигилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва қўнималарини ривожлантириши лозим:

– таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;

- ўқув машғулотларининг ҳар хил турлари (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;

- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий

таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи “Ўқитувчи ва мураббийлар–янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир”. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 1 октябрь, №207 (7709).

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль, “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

21. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с.

22. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

23. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дисс... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.

24. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик кўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Т: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

25. Иноятов У.И. ва бошқ. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.-Т.: ТДПУ – 2013. – 256 б.

26. Ишмуҳамедов Р, Мирсолиева М, Акрамов А. Раҳбарнинг инновацион фаолияти. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2019, 68 бет.

27. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 60 б.
28. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методисталар, ўқитувчилар. тарбиячи ва мураббийлар учу ўқув қўлланма)-Т.:2013.-279 б
29. Макарова.Н.С. Дидактика высшей школы. монография/ Н. С. Макарова, Н. А. Дука, Н. В. Чекалева. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2019 - 172 с.
30. Муслимов Н.А., М.Ж.Муталипова, Абдуллаева Қ.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. Низомий номидаги ТДПУ Ризографи, Тошкент 2014 йил.
31. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
32. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.
33. Никишина И.В. Инновационная деятельность современного педагога. Методическое пособие. – 2012. 76 с.
34. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО УрФУ, 2017. – 128 с.
35. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
36. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.–115 б.
37. Савельева С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе вуза: монография. – Воскресенск, 2012. – 218 с.
38. Современные образовательные технологии в учебном процессе вуза: методическое пособие / авт.-сост. Н. Э. Касаткина, Т. К. Градусова, Т. А. Жукова, Е. А. Каракина, О. М. Колупаева, Г. Г. Солодова, И. В. Тимонина; отв. ред. Н. Э. Касаткина. – Кемерово: ГОУ «КРИРПО», 2011. – 237 с.
39. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
40. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
41. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
42. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

43. Mitchell. H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
44. Mitchell. H.Q., Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
45. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
46. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

IV. Интернет сайлар

47. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
48. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
49. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
50. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
51. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази
Директор _____ Т.Т.Шоймардонов
“_____” _____ 2020 й.
М.Ў.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiришни ташкил этиш хамда
мувофиқлаштириш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи _____ Ф.Т.Эсанбобоев
“_____” _____ 2020 й.
М.Ў.

Тошкент давлат педагогика университети
Ректор _____ А.Ю.Умаров
“_____” _____ 2020 й.
М.Ў.

Тошкент давлат педагогика университети
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ
маркази
Директор _____ Н.А.Муслимов
“_____” _____ 2020 й.
М.Ў.